

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**33** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича тадбирлар ҳақида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–245-сон қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги «Volajon» болалар рақамли телеканалини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 30 майдаги ПҚ–1976-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича тадбирлар ҳақида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–245-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 14 январь,  
ПҚ–2112-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2014 йил 14 январдаги  
ПҚ–2112-сон қарорига  
ИЛОВА


**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон  
Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича  
тадбирлар ҳақида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–245-сон  
қарорига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 6-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон МТРК таркибига кирувчи давлат унитар корхоналари фаолиятини, шунингдек «Yoshlar» телерадиоканали» ЁАЖ ҳузуридаги «Bolajon» телеканали фаолиятини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаш тасдиқланадиган телерадиоэшиттириш (кўрсатувлар) хажмлари асосида амалга оширилади».

2. 7-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Yoshlar» телерадиоканали» ЁАЖнинг ташкилий тузилмаси»



Умумий чекланган сони — 438 нафар, шу жумладан МБХ — 7 нафар.

3. 10-иловининг I бўлими:

а) қуйидаги мазмундаги 9-банд билан тўлдирилсин:

« 

9.	«Volajon» телеканали	15,0	—
----	----------------------	------	---

 »;

б) «Жами» позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 

	ЖАМИ	133,7	112,2
--	------	-------	-------

 ».